

## ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

**Қодиржон Одилов**

Андижон вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Ижтимоий-иқтисодий фанлар” методикаси кафедраси  
доценти, фалсафа фанлари номзоди

### **Аннотация.**

Ушбу мақолада Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳаси ривожига давлат сиёсати даражасида қаралаётганлиги, айниқса, илм-фан, маърифатга интилувчи ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги баён этилади. Шунингдек, Марказий Осиё минтақаси, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди тарихда илм-фан, маданият ва санъатнинг қадимий бешиги сифатида IX-XII асрларда биринчи Ренессанс даврини ва XIV-XVI асрларда иккинчи Ренессанс даврининг макони сифатида жаҳон илм-фани ривожига жуда катта ҳисса қўшган улуғ аллома ва мутафаккирлар юрти эканлиги ёритилади. Буюк аждодларимиз руҳи ва қони бугуннинг мустақил юрт ёшларида борлиги ва улар учинчи Ренессанснинг асосси бўлишига эътибор қаратилади.

### **Калит сўзлар:**

таълим тараққиёти, мактабгача таълим, ўрта таълим, олий таълим, илм-фан соҳаларини ривожлантириш, биринчи Ренессанс, иккинчи Ренессанс, учинчи Ренессанс.

### **Аннотация.**

В данной статье аргументируется, в Узбекистане развитие образовательной сферы рассматривается на уровне государственной политики, прежде всего всесторонней поддержки молодёжи, стремящейся к овладению современной науки. Необходимо отметить сегодняшняя территория Узбекистана вошла в историю как древняя колыбель науки, культуры и искусства и первый ренессансный период в IX-XII веках и второй ренессансный период в XIV-XVI веках как место обитания великих ученых и мыслителей, внесовших большой вклад в развитие мировой науки. Следует отметить, что дух и кровь наших великих предков еще существуют в наших молодёжи и поэтому именно они станут основателем третьего Возрождения.

### **Ключевые слова:**

развитие образования, дошкольное образование, среднее образование, высшее образование, развитие науки, первые Ренессанс, вторые Ренессанс, третьи Ренессанс.

### **Annotation.**

This article argues that in Uzbekistan, the development of the educational sphere is considered at the level of state policy, primarily comprehensive support for young people seeking to master modern science.

It is necessary to note the current territory of Uzbekistan went down in history as an ancient cradle of science, culture and art and the first Renaissance period in the IX-XII centuries and the second Renaissance period in the XIV-XVI centuries as the habitat of great scientists and thinkers who made a great contribution to the development of world science. It should be noted that the spirit and blood of our great ancestors still exist in our youth, and therefore they will become the founder of the third Renaissance.

### **Keywords:**

Development of education, preschool education, secondary education, higher education, development of science, first Renaissance, second Renaissance, third Renaissance.

Янгилаётган Ўзбекистонда таълим тизими тубдан ислоҳ этилиб, эртанги куннинг муносиб давомчилари бўлган баркамол авлодни вояга шакллантиришга, уларни ушбу заминда яшаб ижод этган улуғ мутафаккирлар ва алломаларга муносиб авлодлар бўлиб шаклланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилиб бу борада соҳага оид қонунлар, фармонлар, давлат дастурлари қабул қилиниб уларнинг ижроси таъминланмоқда.

Мақоланинг кириш қисмида мамлакатимизда таълим-тарбия соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, айниқса, илм-фан, маърифат соҳаси вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, интеллектуал бойликнинг кадр топаётгани халқимизнинг тарихи, маънавияти, менталитети, асрий қадриятлари, орзу-умидлари билан бевосита боғлиқ эканлигига, Марказий Осиё минтақаси, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди тарихда илм-фан, маданият ва санъатнинг қадимий бешиги сифатида мавжуд бўлиб келганлиги баён этилади. Шунингдек, Марказий Осиё минтақаси, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди тарихда илм-фан, маданият ва санъатнинг қадимий бешиги сифатида IX-XII асрларда биринчи Шарқ Уйғониш даври ёки Муслмон Ренессанси ҳисобланиб, иккинчи шарқ Уйғониш даври — XIV-XVI асрлардаги иккинчи Темурийлар Ренессанси сифатида жаҳон илф-фани ривожига жуда катта улуғ аллома ва мутафаккирлар юрти эканлиги баён этилиб аждодларимиз руҳи ва қони бугунни мустақил юрт ёшларида бор эканлиги, уларнинг йўлини давом этириш учун таълим тизимида кенг қўламли ислохотлар олиб борилаётганлиги ёритилади. Шу маънода Президентимизнинг “Дунёда энг катта бойлик — ёшлиқда олинган билим ва эгалланган касб-хунарди”, деган фикри бежиз эмас.

Бугун таълим ва илм-фан соҳасини янада ривожлантириш борасида мамлакатда комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бунда халқ таълими тизимида кенг ислохотларни амалга ошириш орқали таълим-тарбия сифатини ошириш, янги мактаб бинолари барпо этиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, ахборот-коммуникация технологиялари ва ўқув-методик қўлланмалар билан тўлиқ таъминлаш каби қатор масалалар амалга оширилиши кўзда тутилган. Умумий ўрта таълим сифатини тубдан оширишда қатор фанлар, жумладан, чет тиллар, математика, физика, информатика, кимё, биология фанларини чуқурлаштирилган тарзда ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун Ўзбекистонда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаблари, мамлакатимизда етишиб чиққан улуғ алломаларимиз – Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Исҳоқхон Иброт, Муҳаммад Юсуф, Халима Худойбердиева номлари билан аталган ижод мактаблари, “Темурбеклар мактаби”, мутахассислашган хусусий мактаблар сингари янги ва замонавий намунадаги таълим даргоҳлари ташкил этилиши ёшлар учун таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар очиб бермоқда.

Қорақўл туманидаги 1-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатига “халқаро математика мактаби” мақоми берилиши нафақат шаҳарларда балки мамлакатнинг олис қишлоқларида ҳам ўзининг илми ва билими билан дунёни хайратга соладиган ёшлар етишиб чиқаётганлигини кўрсатмоқда.

Табиийки, таълим соҳаси серқирра муносабатлардан иборат бўлиб, ўтган уч-тўрт йил вақт мобайнида мамлакатда кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожланишга қаратилган катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу борада амалда бўлган “Таълим тўғрисида”ги қонун таълим сифатини ва таълим тараққиётини таъминлаш бўйича замонавий талабларга жавоб бера олмай қолган эди. Таълим соҳасини ислоҳ қилиш шароитида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни янги тахрирда қабул қилинганлиги алоҳида долзарб аҳамиятга бўлди. (1. ЎРҚ-637-сон 23.09.2020.) Қонунда таълим соҳасида сўнги йилларда амалга оширилган ислохотлар ўз аксини топди ҳамда унинг мазмунига янги тушунчалар ва институтлар киритилди.

Бу бежиз эмас албатта. Мустақилликнинг 29 йиллиги байрам тадбирида сўзлаган нутқида Президент Шавкат Мирзиёев: «Халқимизнинг улуғвор кудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айти ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас». (2. “Халқ сўзи” 01.09.2020) Президент тарихга назар солиб, бу халқнинг илм заковати,

жаҳон цивилизацияси илм-фанига қўшган ҳиссаси туфайли IX-XII асрларда мамлакат ҳудудида биринчи, XV асрда иккинчи Ренессанс порлаганини таъкидлади.

Маълумки, “Ренессанс” тушинчаси луғавий французча “қайта туғилиш” деган маънони англатади. Атама сифатида унинг мазмуни анча кенг: маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва кадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради. Илк бор атама Европада ўрта асрлар мутаассиблигидан кейин 15-16 асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан қўлланилган. Ренессанс аталмиш мазкур ижтимоий ҳодиса ўзбек тилида Уйғониш даври деб ҳам юритилади.

Гап уйғониш даври ҳақида кетар экан, Марказий Осиё минтақаси, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди тарихда илм-фан, маданият ва санъатнинг қадимий бешиги сифатида мавжуд бўлиб келган. Бу тўғрисида исломга қадар мавжуд манбаларда ҳам маълумотлар келтирилган. Жумладан, “Авесто”да маънавий муҳит, илм-фан ва таълим-тарбия хусусида ўз даври учун илғор ғоялар илгари сурилган. Ўзбекистон ҳудудлари тарихан Буюк ипак йўлининг маркази ва унинг турли тармоқлари кесишган нуқтада жойлашганлиги учун Шарқ ва жаҳоннинг турли мамлакатларидан диний ва дунёвий билим олиш истагидаги инсонлар ҳамиша Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Насаф (Қарши), Кеш (Шаҳрисабз), Тошкент, Фарғона каби кўҳна маданият марказларига интилганлар. Бу ҳудудларда қадимги замонлардан фаолият юритган билим масканлари — мадрасалар ўз даврининг олий таълим муассасаси, яъни университетлари мақомида бўлган.

Австриялик атоқли шарқшунос Адам Мецнинг 1909 йилда “Мусулмон Ренессанси” номли фундаментал асари чоп этилган. (3.стр 3-7, 211-267, 397- 473.) Шундан буён Ренессанс фақат Европага оид ҳодиса эмаслиги, уни Шарқ халқлари европаликларга нисбатан аввалроқ бошдан кечиргани тўғрисидаги қарашлар ва тадқиқотлар пайдо бўла бошлади. (4. Россия и АТР, 2013, №1, С. 133-141.) Россиялик буюк шарқшунос академик Н. Н. Конрад (5. Стр.3-10, 103-204, 455- 496) Ренессанс VII — VIII асрларда Хитойда бошланиб, VIII асрда Ҳиндистонда давом этгани, ундан IX-XII асрларда ислом мамлакатлари эстафетани қабул қилгани, мўғул истилоси туфайли анча пасайиб қолган юксалиш Амир Темур ва темурийлар даврида яна қайта гуркураб ўсганини таъкидлайди. У Ўрта Шарқ Уйғониш даврини Алишер Навоий замонасигача чўзади. Жавоҳарлал Неру Бобурни ҳам Ренессанснинг типик вакили, деб баҳолаган эди.

Бу даврда Ўзбекистон ҳудудида биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур даҳоларни етиштириб берди. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий сингари ўнлаб буюк алломаларнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига беқиёс таъсир кўрсатди.

“Ислом маданиятининг олтин асри” деб эътироф этиладиган бу даврда бу заминдан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улуғ уламолар бутун мусулмон оламининг фахру ифтихори ва чексиз ғурури ҳисобланади.

Ўн бешинчи асрда Соҳибкирон Амир Темур асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат, юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Фиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Бехзод сингари мусаввирлар, кўплаб хаттот ва созандалар, мусиқашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилди.

Бугунги кунда таълим тизими олдига юртимиздан чиққан улуғ аллома ва мутафаккирларининг давомчилари шакллантириш вазифаси қўйилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев: “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айти ҳақиқат бўлади” деб таъкидлади. (6. “Халқ сўзи” 1.10.2020)

Шубҳасиз, учинчи ренессанс – мамлакатда илм-фан тараққиётининг, иқтисодиёт ва жамиятнинг, халққа хизмат қилиши ва одамларни рози қилишдай эзгу ният билан амалга

оширилаётган барча ютуқлар – кишилармиз ва ёшларимиз ақлу заковатининг, иқтидор ва истеъдод қувватининг ёрқин намунаси бўлади.

Учинчи Ренессанс масаласи стратегик вазифа сифатида миллий ғоя даражасига кўтарилаётгани, бунинг учун мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасалар бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси эканлиги, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлилар янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, бу ташаббусни қўллаб-қувватловчи ота-оналар янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устуни бўлиши шу Ватанда яшаётган барча ватанпарвар фуқароларнинг зиммасига катта масъулият юклайди.

Бу борада айниқса вилоят ҳокимлари ҳудуднинг илмий салоҳияти, юқори даражали мутахассисларнинг мавжулигини эътиборга олиб барча шароитларни яратиб берган ҳолда математика, физика, химия, биология, тарих, ҳуқуқшунослик ёки бошқа фанлар йўналишларида камида битта ёки бир нечта мактабларни яратилишига ташкилотчилик қилишлари керак. Ана шундай янги турдаги, энг замонавий таълим муассасаларида таҳсил оладиган ёшлар Президент Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, Ўзбекистоннинг “олтин фонди” ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, ёшларимиз орасидан Хоразмийлар, Бегларлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар чиқишига асос бўлади демакки, Ўзбекистонда том маънода янги Уйғониш даврининг пойдевори қўйилганига имкон беради. Демакки, фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш янги Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг ишига айланаётганлигини амалда исбот этади.

## **Фойдаланган манбалар ва адабиётлар рўйхати**

1. “Таълим тўғрисида” Қонун ЎРҚ-637-сон 23.09.2020. <https://> “Халқ сўзи” газетаси, 24 сентябрь, 2020 йил.
2. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 29 йиллиги байрам тадбирида сўзлаган нутқи. “Халқ Сўзи” газетаси 1 сентябрь, 2020 йил.
3. Адам Мец Мусульманский Ренессанс Издание 2-е, из-во "Наука" Москва 1973.стр 3-7, 211-267, 397- 473.
4. Ю.В. Совастеева Академик Н.И. Конрад и его концепция Возрождения на Востоке // Россия и АТР, 2013, №1, С. 133-141.
5. И. Конрад Запад и Восток. М.: Наука, 1966. Стр.3-10, 103-204, 455- 496